

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 25 » май 2019

№ 431

Toshkent sh.

**“Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг устав капиталидаги давлат улушини сотиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ–4275-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ (кейинги ўринларда ФНҚИЗ деб аталади) устав капиталидаги давлат улушини “PT Trans Asia Resources” (Индонезия) компанияси ёки унинг 100 фоиз улушли шўъба компаниясига (кейинги ўринларда инвестор деб аталади) сотишнинг асосий шартлари 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. “PT Trans Asia Resources” (Индонезия) компанияси билан “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг устав капиталидаги давлат улушини сотиш юзасидан музокаралар ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳ 2-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

Ишчи гуруҳ (А.С. Султанов):

а) уч ой муддатда:

халқаро баҳолаш ташкилоти томонидан ФНҚИЗнинг бозор қиймати баҳоланишини ташкил қилишни;

инвесторнинг вакилларини жалб қилган ҳолда, ФНҚИЗнинг асосий воситалари, тайёр маҳсулот қолдиқлари, хомашё ва таркибий қисмларни, шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда бошқа мажбуриятларини хатловдан ўтказишни;

юрidik, молиявий ва бошқа турдаги аудит жараёнларини ўтказиш, шунингдек, ФНҚИЗни модернизация қилиш режасини тайёрлаш ва ташқи молиялаштиришни жалб этиш учун барча зарур молиявий ва техник хужжатларни инвесторга тақдим этишни;

б) ФНҚИЗнинг бозор қиймати баҳоси олингандан сўнг:

икки ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушини сотишнинг асосий шартлари асосида инвестор билан ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушини олди-сотди шартномаси юзасидан музокаралар ўтказилишини;

олди-сотди шартномасига инвестор томонидан ФНҚИЗнинг ишлаб чиқариш қувватлари базасида маҳаллий углеводород хомашёсидан қайтариб бериш асосида қайта ишлаш бўйича тегишли шартномаларни ёки бозор шароитлари асосида олди-сотди шартномаларини тузиш орқали фойдаланиш шартлари киритилишини;

ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушини олди-сотди шартномасининг лойиҳаси бўйича халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий хулосаси олинишини;

ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушини олди-сотди шартномасининг лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига маъқуллаш учун киритилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ва ФНҚИЗга сотишдан олдинги зарур тартиб-таомилларни ўз вақтида амалга ошириш учун, истисно тариқасида, тендер савдоларини ўтказмасдан тўғридан-тўғри музокаралар асосида баҳолаш, консалтинг ва юридик хизматлар кўрсатиш, шу жумладан халқаро компаниялар билан – ФНҚИЗ устав капиталидаги давлат улушини баҳолаш жараёнини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, сотиш шартларини ишлаб чиқиш ҳамда олди-сотди шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш учун тегишли шартномаларни тузишга ва ушбу шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда экспертизадан ўтказишга руҳсат этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушини олди-сотди шартномасининг лойиҳаси бўйича хулосалар тайёрлаш доирасида ФНҚИЗ маблағлари юридик, баҳолаш ва консалтинг компаниялари хизматлари ҳақини тўлаш манбалари ҳисобланади;

ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушининг бозор қиймати мустақил халқаро баҳолаш компанияси томонидан халқаро баҳолаш стандартларига мувофиқ баҳоланади ва унинг асосида томонларнинг музокара позициялари шакллантирилади;

ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушининг бозор қийматини баҳолаш муддати баҳолаш компанияси билан шартнома тузилган санадан бошлаб уч ойдан ошмаслиги лозим.

5. “Ўзбекнефтгаз” АЖ:

икки ҳафта муддатда “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг активлари номинал (баланс) қийматда Фарғона вилояти ҳокимлиги ва “Ўзбекнефтгаз” АЖга 3-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича беғараз берилишини таъминласин;

ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушига эгалик қилиш ҳуқуқи инвесторга ўтгунигача тайёр маҳсулот, хомашё, таркибий қисмларларни сотишдан олинган даромадлар ҳамда ФНҚИЗнинг дебиторлик қарзларини ундиришдан тушган маблағлар ҳисобидан ФНҚИЗ мажбуриятлари қопланишини таъминласин.

6. Белгилаб кўйилсинки, ФНҚИЗ мажбуриятлари ўз вақтида қопланмаган тақдирда, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ФНҚИЗнинг устав капиталидаги давлат улушига эгалик қилиш ҳуқуқи инвесторга ўтгунигача юзага келган ФНҚИЗнинг ундирилмаган дебиторлик қарзи, қайтарилмаган кредиторлик қарзи ва бошқа мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворисига айланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда нефть маъсулотлари учун бозор тамойиллари асосида нархларни шакллантириш бўйича икки ой муддатда таклифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Нефть-газ тармоғи ташкилотларининг активларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 августдаги 685-сон қарорига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов ва Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Я. Хайдаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

\*) Иловалар рус тилидаги матнда берилган.